


63 3.51

P-51

**ФАН
ҲАҚИДА
СУҲБАТ
ЛАР**

Р. РИЗАЕВ, С. МУСЛИМОВ

**ИНГИЧКА
ТОЛАЛИ ҒЎЗА
НАВЛАРИНИ
СУҒОРИШ**



№ 52

шан
ҳақида
суҳбат
лар

633.51
P-51
Р. РИЗАЕВ, С. МУСЛИМОВ

ИНГИЧКА
ТОЛАЛИ ҒЎЗА
НАВЛАРИНИ
СУҒОРИШ



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1980

42.16
P 51

Р $\frac{40000}{M 351} \frac{9}{(04) 81} 81$

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1980 й.

«Маҳсулот сифатини ошириш,
пахтанинг ингичка толали
навини етиштиришни бутун
чоралар билан кўпайтириш
марказий вазифа ҳисобланади».

Л. И. БРЕЖНЕВ

ҚПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг янги программасини белгилаб берди. Унда қишлоқ хўжалигининг ҳозирги умумий тараққиёт даражаси жамиятнинг тез ўсиб бораётган талабларига ҳали жавоб бермаётгани, айниқса мамлакатда ингичка толали (ипак) пахта етиштириш халқ хўжалигининг талабидан анча орқада қолаётгани қайд этилди. Пленум қарорлари асосида партия ва ҳукумат бу қимматбаҳо маҳсулотни кескин кўпайтириш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Маълумки, Сурхондарё ва Қашқадарё областлари республикамизнинг ингичка толали пахта етиштирадиган асосий зонаси ҳисобланади. Бухоро областининг тупроқ ва иқлим шароити ҳам ўрта толали совет ғўза навлари билан бир қаторда, илғор агротехника шароитида ингичка толали ғўза навларида ҳам юқори ҳосил олиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Ушунчи беш йилликнинг охириги йилида область пахтакорлари ялпи пахта ҳосилини 700 минг тоннага, шу жумладан ингичка толали пахта етиштиришни 35 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар. Бунинг учун жуда катта комплекс тадбири чоралар: ерларнинг мелiorатив ҳолатини тубдан яхшилаш, ингичка толали пахта етиштириладиган майдонларни дадил кенгайтириш, пахтачиликка илғор фан ва техника янгиликларини изчил жорий қилиш, ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаш-

ган хўжаликлар ташкил қилишни ниҳоясига етказиш ва бешқалар амалга оширилмоқда. Областнинг айниқса Гиждувон, Қизилтепа, Шофиркон ва Вобкент районларининг тупроқ ва сув ресурслари ингичка толали пахтадан мўл ҳосил олиш учун қулайдир. Кейинги йилларда ана шу районларнинг ингичка толали пахта етиштирилаётган ихтисослашган бир неча хўжаликларида мўл ҳосил етиштирилди. Гиждувон районидаги Энгельс, Қизилтепа районидаги Партия XXII съезди ва Шофиркон районидаги Куйбишев номли колхозларда 1979 йили С-6037 навли гўзадан гектар бошига 30—32 центнердан ҳосил олинди (1-жадвал). Ҳатто шу йили Энгельс

1 - жадвал

Бухоро областининг ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган илгор колхозларида пахта ҳосилдорлиги (1979 йил)

Хўжаликлар	Экин майдони, гектар	Ҳосилдорлик, гектарга центнер	Ялпи ҳосил, тонна
Гиждувон районидаги Энгельс номли колхоз	1089	32,2	3511
Қизилтепа районидаги Партия XXII съезди колхоз	720	31,8	2288
Шофиркон районидаги Куйбишев номли колхоз	1040	30,1	3133

номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нуъмон Нажмиддинов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳосилдорликни гектарига 40,5 центнерга, Қизилтепа районидаги Ленинград колхозининг Н. Убайдов бошлиқ бригадаси азаматлари ҳосилдорликни 54,5 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. Район ва область миқёсида ингичка толали пахта етиштириш тўғрисидаги маълумотлар 2—3-жадвалларда берилган.

Областнинг табиий иқлим шароити. Бухоро области Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, асосан уч ҳавзадан: Навоий (дарё оқимининг юқори қисми), Бухоро (воҳанинг марказий қисми) ва Қорақўл (дарёнинг энг қуйи қисми) ҳавзаларидан ташкил топган. Воҳанинг марказий қисми табиий шароити ингичка толали пахта етиштириш учун жуда қулай.

Бухоро областининг ингичка толали пахта
етиштирадиган районларида пахта ҳосилдорлиги
(1979 йил)

Районлар	Экин май- дон, гек- тар	Ҳосилдор- лик, гек- тарга центнер	Ялпи ҳо- сил, тонна
Ғиждувон	4230	29,4	12449
Қизилтепа	3845	23,9	9190
Шофиркон	2317	25,5	5917
Вобкент	1450	28,0	4057

Бухоро областида ингичка толали пахта
етиштиришнинг ўсиши

Йиллар	Экин май- дон, минг гектар ҳи- собида	Ҳосилдор- лик, гекта- рга цент- нер	Ялпи ҳо- сил, минг тонна ҳисо- бида
1977	9,6	24,3	23,3
1978	10,7	26,3	28,2
1979	11,8	26,7	31,6

Областининг сугориладиган ерлари ҳам асосан дарё бўйлаб энига 4 километрдан 60 километргача чўзилган бўлиб, Шарқ томондан Самарқанд области пахта дала-лари билан, бошқа ҳамма томондан шўрланган саҳро билан чегараланган. Бухоро областининг иқлими қургоқ ва континенталдир, ёзи жуда иссиқ, кучли гармсел эсиб туради. Булар ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши-га салбий таъсир кўрсатади. Қиши ўртача ҳароратли, қорли кунлар кам бўлади. Бу эса барча қишлоқ хўжа-лик ишларини йилнинг ана шу даврида давом эттириш-га имкон тугдиради. Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати 14—18 даража иссиқ, энг иссиқ ойлар июль-август бў-либ, ўртача суткалик ҳарорат 28—30 градус, баъзан эса кундузи 43 градусгача иссиқ бўлади. Кўп йиллик ўрта-

ча ёгинлар миқдори 115—205 ммни ташкил этади. Бундан 80—85 проценти қиш-баҳор ойларида тушади. Ҳавонинг нисбий намлиги жуда паст, ёз ойлари 17—25 процентгача тушиб қолади. Ер ости сувлари асосан 2—4 метр чуқурликда жойлашган; ўтлоқ тупроқли, маълум даражада шўрланган, механик таркиби жиҳатдан ўртача ва оғирдир.

Областнинг асосий сугориш манбалари: Зарафшон дарёси, Аму-Қорақўл машина канали ҳамда биринчи ва иккинчи навбат Аму-Бухоро машина каналларидир.

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ РЕЖИМИ

Маълумки, аввал область хўжаликларида ғўзанинг ингичка толали 5904-И нави экиб келинар эди. Бу нав кеч пишар бўлгани учун унинг ўрнига вилтга чидамли, тез пишар, толасининг сифати юқори С-6030, С-6037 навлари экила бошланди. Ана шу навларнинг агротехникасини, шахсан сугориш режимини ўрганиш борасида кейинги йилларда СоюзНИХИнинг Бухоро область пахтачилик станциясида ҳамда Ғиждувон районидаги «Гулистон» ва «Ленинизм» колхозларида бир неча йиллар мобайнида илмий тадқиқот ва кузатишлар олиб борилди.

Ингичка толали навларнинг сувга бўлган талаби аввало уларнинг биологик хусусиятларига (яъни барг сатҳининг кенглиги, илдиз системасининг ривожланиши ҳамда уларнинг барги орқали сувни буглатиши (транспирацияси)га боғлиқдир.

Ингичка толали ғўза навларидан юқори ҳосил олишда сугоришнинг энг қулай муддатларини, айниқса биринчи сугоришнинг муддатини тўғри белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи сугоришнинг муддатини белгилашда шўр ювиш ёки запас сув бериш муддатини, яъни тупроқнинг сугоришдан олдинги намлик ҳолатини қатъий ҳисобга олиш керак. Қўп йиллик олиб борган илмий кузатишларимиз шуни кўрсатдики, тупроқнинг намлиги дала нам сифмига нисбатан 70 процентга камайганда биринчи сугориш энг қулай ҳисобланади. Бу муддат ғўза ёппасига шоналаш даврига кирган вақтга (5—10 июнга) тўғри келади. Айрим хўжаликлар тупроқ намлиги дала нам сифмига нисбатан 85—90 процент бўлганда (бу, одатда, 20—25 майларга тўғри ке-

лади) биринчи марта суғоришади. Суғоришни бундай эрта бошлаш тупроқ ҳароратини пасайтириб юборади ва ёш ниҳолларнинг дастлабки ўсиш ва ривожланишини секинлаштиради ҳамда кўчатларнинг бир қисми нобуд бўлишига олиб келади.

Айни чоқда академик С. Н. Рижов ва В. Е. Ерёменколарнинг кўп йиллик тажрибалар асосида берган тавсияларига кўра ҳар қандай шароитда ҳам ғўзани суғориш кечикиб кетмаслиги — тупроқнинг намлик даражаси дала сув сигимига нисбатан 70 процентдан ортиқ камаймаслиги керак. Намликнинг 65 процентгача камайиши ҳар қандай шароитда ҳам ҳосил чўгини сезиларли ўчириб юборади, 75—80 процентгача бўлиши ҳам ҳосилнинг муттасил ошишига имкон бермайди. Бу хулосалар бизнинг олиб борган тажрибаларимизда ҳам тасдиқланди. Ҳар гал намлик дала нам сигимига нисбатан 70 процент бўлганда сув бериш ўсимлик ривожланиши учун энг қулай бўлди ва мўл ҳосил тўпланди. Кўп йиллик илмий тажрибаларимиз натижалари биологик хусусияти ҳар хил бўлган ғўза навларининг сувга талаби турлича эканлигини кўрсатди; яъни ҳамма ғўза навларини суғориш олдидан тупроқ намлиги дала нам сигимига нисбатан бутун ўсув даврида 70—70—60 процент атрофида ушлаб турилганда, ер ости сувлари 2,5—3,0 метр чуқурликда бўлган эскидан суғорилиб келинаётган ўтлоқ тупроқларда 5904—И нави учун 2—4—1 (гуллашга қадар — икки, гуллаш-ҳосил тугиш даврида — тўрт ва пишиш даврида — бир марта) суғориш схемаси қўлланилди. Бунда мавсумда ҳар гектар ерга 6000—6200 метр куб сув сарфланди. С-6030 нави учун эса 2—5—1 суғориш схемаси қўлланилиб, 7000—7200 метр куб сув сарфланди. Ғўзаларнинг шу усулда суғорилиши ўсимликнинг нормал ўсиб, остки шохларида кўп кўсак пайдо бўлишига, ҳосилнинг мўл бўлиб, эрта етилишига олиб келди. Аммо бу навларни суғориш олдидан тупроқ нами дала нам сигимига нисбатан 75—75—70 процент атрофида бўлганда, яъни ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тугиш даврида суғориш сонини бир марта ошириб, С-6030 навига 2—6—1 суғориш схемасида 7200—7300 метр куб атрофида, 5904-И навига эса 2—5—1 суғориш схемасида 6400—6600 метр куб сув берилганда ҳосилдорлик бирмунча камайди. Ёки суғориш нормалари ва муддатлари аввалдан белгилаб қўйилган, 2—6—1 суғориш схемаси-

да ўсув даврида гектарига 8800 метр куб сув сарфлаш кўзда тутилган суғориш вариантыда эса (бу вариант хўжаликларда қабул қилинган суғориш схемасига жуда яқин) ҳосилдорлик ундан ҳам кам бўлди. Чунки ғўзалар бундай усулда суғорилганда уларнинг бутун ўсув даврида сувга бўлган ҳақиқий талаби ҳисобга олинмайдди. Ҳолбуки, суғоришлар олдидаги тупроқ намлиги ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳам бундай вариантда ҳосилдорликнинг кескин камайиши кузатилди. Ингичка толали ғўза навларидан юқори ҳосил олишда суғориш нормаларини ва суғоришни қанча вақт давом эттиришни тўғри белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Суғориш нормаси асосан тупроқнинг турига, ер ости сувларининг қай сатҳда жойлашганига, ўсимликнинг ривожланиш ҳолатига, ғўзанинг илдиз системаси жойлашган қатламдаги намлик миқдорига ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқдир. Суғориш нормалари ўсимлик ва унинг илдиз системасининг бутун ўсув даврида ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Маълумки, ғўза гуллагулча унинг илдиз системаси тупроқнинг асосан 40—50 см қатламида жойлашади. Шунинг учун ана шу қатламни намиқтириш учун зарур бўлган суғориш нормасини белгилаш керак. Ўтказилган тажрибаларимиз гуллашга қадар суғориш нормаси 700—800 метр кубни ташкил қилганда юқорида айтилган қатлам яхши намиқлигини кўрсатди. Кўпчилик ҳолларда колхоз-совхозларда ана шу нарса ҳисобга олинмай, ғўза гуллашига қадар катта нормада (1100—1200 метр куб) узоқ муддат (1,5—2 сутка) суғорилади. Бу ғўза илдизларининг тупроқнинг юза қатламида жойлашишига, ҳосил шохларидаги бўғим оралиғининг узайишига ҳамда биринчи ҳосил шохларининг ўсимлик танасининг юқори қисмида пайдо бўлишига олиб келади.

Ќўзанинг гуллаш-ҳосил туғиш даврида сувга бўлган талаби анча ошади. Чунки бу даврда унинг илдиз системаси тупроққа 100—120 сантиметр чуқурликкача кирган бўлади. Шунинг учун бу даврда суғориш нормаси ҳам юқори бўлиши керак. Ќўза гуллаш-ҳосил туғиш даврида суғориш нормаси 1100—1200 метр куб бўлганда, ўсимликнинг нормал ривожланганлиги кузатилди. Бу даврда ҳам суғориш нормасини ҳаддан ташқари кўпайтирмаслик ва узоқ муддат суғоришга йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда ғўзанинг барг сатҳи кенгайиб, ғовлаб

кетади, озуқа моддаларнинг анча қисми тупроқнинг ўсимлик фойдалана олмайдиган қатламларига ювилиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Ўзанинг пишиб етилиш даврида унинг сувга бўлган талаби бирмунча камаяди. Бунда шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, ўзанинг ингичка толали навларининг ўсув даври ўрта толали ўза навларига қараганда бир оз узоқроқ бўлганлигини ҳисобга олмай узоқ муддат ва катта нормада сугорилса, ўзалар говлаб кетиб, кўсакларнинг очилиши кескин сусаяди. Биз бу даврда 700—800 метр куб нормада сугорганимизда кўсаклар нормал ва эрта очилди.

1978—1979 йилларда бедапоядан бўшаган ерларда СоюзНИХИ нинг Бухоро тажриба станциясининг илмий ходими О. Қаримов томонидан олиб борилган тажрибалар диққатга сазовор. Бунда икки хил сугориш — тупроқ намлиги дала нам сиғимига нисбатан 70—70—65 ва 70—80—65 процент бўлганда сугориш вариантлари синаб кўрилди. Тупроқ нами 70—70—65 процент атрофида бўлганда бедадан кейин иккинчи ва учинчи йилларда 1—4—1 схемасида сув берилди ва мавсумда иккинчи йили 5700, учинчи йили эса 4420 метр куб сув сарфланди. Сугориш нормалари гуллашга қадар иккинчи йили 1062, гуллаш-ҳосил туғиш даврида 1082 ва пишиб етилиш даврида 861 куб метрни ташкил қилди. Учинчи йили эса гуллашга қадар 778, гуллаш-ҳосил туғиш даврида 725 ва пишиб етилиш даврида 632 метр куб сув сарфланганда яхши натижаларга эришилди. Сугориш олдидаги тупроқ намлигини 70—80—65 процент атрофида ушлаб турилганда, яъни ўзаларнинг гуллаш-ҳосил туғиш даврида сугориш сонини 2—3 тага оширганда иккинчи йили 1—7—1, учинчи йили эса 1—6—1 сугориш схемаси ҳосил бўлди. Бунда мавсумда иккинчи йили 7860, учинчи йили эса 5760 метр куб сув сарфланди. Сугоришнинг бундай схемаси яхши самара бермади. Бундан кўриниб турибдики, бедапоядан бўшаган ерларда, эскидан сугорилиб келинаётган ерларга нисбатан ингичка толали ўзани сугориш режими анча фарқ қилади, яъни бедапоядан бўшаган ерларда тупроқнинг сув-физик хоссалари яхшиланиши ҳисобига сугориш режими ўзгача бўлади, биринчи-

иккинчи йили кўп сув талаб қилса, кейинги йилларда тупроқнинг зичланиши ҳисобига бу талаб бирмунча камаяди.

Ҳар хил суғориш режимининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири. Турли хил суғориш режимлари ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига сезиларли таъсир қилади. Бизнинг тажрибамизда ғўзаларга сувни кўп берганда уларнинг ғовлаб кетиши, кечикиб гуллаши, кам ҳосил бўлиши ва, ниҳоят, ҳосилдорликнинг кескин камайиши кузатилди. Яъни С-6037 ғўза навини 1—6—1 ёки 1—7—1 схемасида 5760—5860 метр куб сув сарфлаб суғорганимизда ўсув даврининг охирида бош поянинг баландлиги 90,3 сантиметри, 1 сентябрда кўсаклар сони гектарига ўртача 10,6 дона, ҳосилдорлик икки йилда ўртача 43,6 центнери ташкил қилди. Ғўзаларни бошқача —1—4—1 ёки 1—5—1 схемасида 4420—5700 метр куб сув сарфлаб суғорганимизда бош поянинг баландлиги 82,2 сантиметр, кўсаклар сони гектарига ўртача 12,8 дона, ҳар гектардан олинган ҳосилдорлик эса ўртача 51,4 центнер бўлди.

Ҳар хил ғўза навларининг намни буглатиш суръати (интенсивлиги). Биологик хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ҳар хил ғўза навларининг ўзидаги намни буглатиши ҳам турлича бўлади. Намни буглатиш суръати ғўзаларнинг сувга бўлган талабини кўрсатувчи асосий белгилардан биридир. Шуниси характерлики, турли ғўза навларининг намни буглатиш суръати уларнинг ўсиш фазаларига қараб, сезиларли даражада ўзгариб туради. Бу ғўза навларининг сувга бўлган талаби уларнинг ўсув фазаларига қараб ўзгариб туришини кўрсатади. 2 июлда ўтказилган текширишда С-6030 навида энг юқори — соатига бир квадрат дециметр юзадан 7,3 граммгача бугланиш кузатилди. 5904-И навида эса бу рақам шунча вақтда 5,2 г/дм² ташкил этди.

15 июлга келиб эса С-6037 навида намни буглатиш суръати яна сезиларли даражада (соатига 12,1 г/дм²) ошди.

5 сентябрда ғўза пишиб етила бошлаган даврга келиб С-6030 навида буглатиш суръати қарийб икки барабар камайди. 5904-И кеч пишар навда эса сал кам икки барабар ошди. Бу мазкур навнинг чиндан ҳам кеч пишар эканлигини яна бир бор исбот этади.

Шундай қилиб, С-6030 нави то пишиб етилгунча бўлган даврда 5904-И кеч пишар навга нисбатан ўзидаги намни кўп буглатади. Демак, унинг сувга талаби ҳам 5904-И навиға нисбатан анча юқоридир.

Турли схемада суғориш натижалари. 1975—1976 йилларда гўзани 2—5—1 схемада суғоришни Бухоро областидаги «Гулистон» колхозининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Обида Ҳамраева бригадасида 10 гектар майдонда си-наб кўрдик ва яхши натижаларга эришдик. Контроль сифатида хўжаликда қўлланиб келинаётган 2—4—2 схе-маси олинди.

Суғориш нормаси гўза гуллагунча 750—800 метр куб-дан, ҳосил тўплаш даврида 950—1000 метр кубдан ва пишиб етилиш даврида 600—700 метр кубдан оширил-мади. Контроль вариантда эса гўза гулга киргунча 950—1000, гуллаш-ҳосил тугиш даврида 1055—1208 ва пишиб етилиш даврида эса 1218 метр кубни ташкил этди (4-жадвал).

4-жадвал

Ғиждуvon районидаги „Гулистон“ колхозида
С—6030 гўза навини ҳар хил схемада суғориш
натижалари (1975—1976 йиллар)

Суғориш схемаси	Суғоришнинг бош- лиши ва тамом бў- лиши	Суғориш нормаси, гектарига метр куб			У сув даврида суғориш нормаси, гектарига метр куб	Суғориш оралигидаги давр, кун
		гуллашга қадар	ҳосил тўплаш даврида	пишиб етилиш даврида		
2—5—1	13/VI—11/IX	750	1000	600	5750	12—18
2—4—2						
(хўжаликда қўллана- диган суғориш схемаси)	9/VI—7/X	1000	1208	1280	8900	15—22

Ҳар хил суғориш режимлари гўзанинг ўсиши ва ри-вожланишига кучли таъсир қилди. Яъни 1 сентябрдаги кузатишларда гўзалар хўжаликда қўлланилган 2—4—2 схемасида суғорилганда, уларнинг бўйи 103 сантиметр-ни, қўсақлар сони ўртача битта ўсимликда 8,5 допани,

тажрибада қўлланган 2—5—1 сугориш вариантыда эса гўзаларнинг бўйи 81 сантиметрни, кўсаклар ўртача 12 донани ташкил қилди. Турли хил сугориш режимлари айниқса гўзанинг пишишига ва ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатди. Хўжаликдаги сугориш схемасида гўзаларни узоқ муддат (2—2,5 сутка) катта нормада (1208—1280 метр куб) сугорганда 1 октябрга келиб кўсаклар 23 процент, тажрибадаги 2—5—1 сугориш схемасида эса 61 процент очилди. Ҳосилдорлик эса контроль далада 24 центнерни, тажриба участкасида эса 38 центнерни ташкил этди.

Шундай қилиб, Бухоро областининг эскидан сугориб келинадиган, бедапоядан бўшаган, ер ости сувлари 2—4 метр чуқурликда жойлашган, ўртача ва оғир тупроқли ерларида районлаштирилган С-6030, С-6037 гўза навларидан мўл ҳосил олиш учун хўжаликларга амалда қуйидаги сугориш схемаси ва нормаларини тавсия қилиш мумкин:

Гўза дала нам сифимига нисбатан тупроқ намлиги 70—70—60 (65) процент бўлганда сугорилиши лозим. Намлики шу даражада сақлаб туриш учун об-ҳаво шаронти одатдагидек бўлган йилларда гўзаларни 2—5—1 сугориш схемасида саккиз марта сугориш талаб этилади. Бунда мавсум давомида 7000—7200 метр куб сув сарфлаш мақсадга мувофиқ. Биринчи сугоришнинг энг қулай муддати 5—10 июнлар, яъни гўзалар ёппасига шоналаш даврига кирган вақтдир. Охириги сугориш 15—20 сентябрлардан кечикмаслиги керак. Ингичка толали гўза навларининг ўсув даври узоқлигини ҳисобга олиб, октябрь ойида сугориш мутлақо мақсадга мувофиқ эмас, акс ҳолда гўзалар ёвлаб кетиб, кўсакларнинг очилиши кескин камаяди. Бедапоядан бўшаган ерларда етиштирилаётган гўзалар ҳам дала нам сифимига нисбатан тупроқ намлиги 70—70—65 процент бўлганда 1—4—1 сугориш схемасида олти марта сугорилиши керак. Бунда мавсумда гектарига 4400—4500 метр куб сув сарфланади. Юқоридаги ҳар иккала тупроқ шаронтида ҳам сугориш нормаларини гўза гуллашга қадар 700—800 метр куб, гуллаш-ҳосил туғиш даврида 1000—1100 метр куб ва пишиб етилиш даврида 700—800 метр кубдан ошмаслиги лозим.

Яна бир муҳим нарсага аҳамият бериш керакки, кейинги йилларда ишлаб чиқаришда районлаштирилаёт-

ган ингичка толали гўзаларнинг янги навлари ўзининг тезпишарлиги, касалликларга чидамлилиги, толасининг сифати яхшилиги ҳамда серҳосиллиги билан илгаридан экиб келинаётган навлардан фарқланади. Бундан ташқари, бу навларнинг сўв ва озуқага бўлган талаби ҳам анча юқори. Шуларни ҳисобга олиб, пахтакорларимизга ингичка толали гўза навларидан юқори ҳосил олиш учун йиллик минерал ўғитлар нормасини 25—30 процент, бутун ўсув давридаги суғориш нормасини эса 15—20 процент оширишни таклиф этамиз. Шундай қилиб, биз тажрибаларда кузатган энг қулай суғориш режимларини қўлланган колхоз ва совхозлар, шубҳасиз, ингичка толали гўза навларидан барқарор юқори ҳосил етиштиришлари мумкин

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Кейинги йилларда Бухоро областида сув таъминоти ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолати анча яхшиланди, ингичка толали пахта майдонлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда, чунки областнинг бир қатор хўжаликлари ингичка толали пахтадан ўрта толали пахтага нисбатан жуда катта иқтисодий фойда кўрмоқдалар. Фикримизнинг исботи учун ер, сув ва об-ҳаво шароити бир хил бўлган ингичка толали, ўрта толали пахта етиштирадиган Ғиждувон районидаги Энгельс номидаги ва Қизилтепа районидаги КПСС XXII съезди номидаги колхозларнинг иқтисодий самарадорлигини бир-бирига таққослаб кўрайлик (5-жадвал). Энгельс номли колхозда 1975—1977 йилларда ўрта толали пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 32,8 центнерни, ингичка тола пахтаники эса 24,7 центнерни ташкил этди. Ингичка толали пахтанинг ҳар гектаридан олинган соф даромад ўрта толали пахтага нисбатан Энгельс номли колхозда 563 сўм, КПСС XXII съезди номидаги колхозда эса 467,3 сўм ортиқ бўлди. Ҳар гектар ерга ингичка толали пахта етиштириш учун сарфланган маблағ эса ўрта толали пахтага нисбатан Энгельс номидаги колхозда атиги 95 сўм, КПСС XXII съезди номидаги колхозда 112,3 сўм кўпдир.

Ингичка толали пахтанинг харид нархи ва ҳар гектар ердан олинadиган соф даромад юқори бўлганлиги туфайли бу хўжаликлар жуда катта иқтисодий фойда

Библиотека
Сам СХИ
61.73.02/4

Бухоро областининг Энгельс ва КПСС XXII съезди
номидаги колхозларида ингичка ва ўрта толали
пахта етиштиришда эришилган иқтисодий
самарадорлик кўрсаткичлари

	Энгельс но- мидаги колхоз		КПСС XXII съезди но- мидаги колхоз	
	ўрта толали "Тош- кент" - 1 нави	ингичка толали С-6037 нави	ўрта толали "Тош- кент" - 1 нави	ингичка толали С-6037 нави
Экин майдони, гектар	2283	983	557	388
Ҳосилдорлик, гектарига центнер	32,8	24,7	37,1	24,8
Ҳар гектарда пахта етиштириш учун сарфланган маблағ, сўм	1548,9	1643,9	1692,3	1804,6
1 центнер пахтанинг ўртача харид нар- хи, сўм	56	101,0	55,7	106,7
1 гектар ердан олинган соф даромад, сўм	287,6	851,3	373,2	840,5

кўрдилар. Областнинг бошқа кўпгина хўжаликлари ҳам ингичка толали пахта навларини экиб юқори самарага эришмоқдалар. Масалан, Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозининг умумий экин майдонининг 35 процен-тини ингичка толали ғўза ташкил этади. 1978 йили бу хў-жаликда ҳосилдорлик 33 центнерга кўтарилди.

Ингичка толали пахтанинг харид нархи юқори бўл-ганлиги учун колхоз қўшимча равишда 840 минг сўм соф фойда олди. Областнинг бошқа хўжаликларида ҳо-силдорлик бундан ҳам юқори. «Ленинград», В. И. Ле-нин номидаги, Москва колхозлари ҳар гектар ердан 33—37 центнердан ипак пахта ҳосили кўтариб, бу хў-жаликлар қўшимча равишда 17 миллион сўм даромад қилдилар.

Ҳозир областда ипак пахта етиштиришни кўпайти-ришнинг системали плани ишлаб чиқилган. Бу кела-жакда Бухоро областида ингичка толали пахта тайёр-лашни кескин кўпайтиришга имкон беради.

Рузы Ризаев, Сабир Муслимов

ОРОШЕНИЕ
ТОНКОВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ
ХЛОПЧАТНИКА

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» —
1980, Ташкент, 3-700129, На-
вои, 30.

Редактор Н. Холлиев

Техредактор В. Демченко

Корректор М. Содиқова

Теришга берилди 28.12.1980 й. Бо-
сишга рухсат этилди 31.12.1980 й.
Р—01101. Формати $84 \times 108\frac{1}{32}$. № 2
босма қозғизга «Литературная»
гарнитурда юқори босма усули-
да босилди. Шартли босма лис-
ти 0,84. Нашр листи 0,74. Тиражи
5773. Заказ № 3898. Баҳоси 4 т.
«Узбекистон» нашриёти. Шартно-
ма № 302—80. Тошкент, 3-700129,
Навоий кўчаси, 30.

Узбекистон КП Марказий Комите-
ти нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ ордени босмаҳонаси,
Тошкент, ГСП, «Правда Восто-
ка», 26.

Халқимиз «ипак пахта» деб номлаб, асрлар давомида уни бекорга эъзозламаган, энг катта майдонларини унга бежиз бериб қўймаган. Ипак пахта ўзбек халқининг муҳим даромад манбаи, фахри-гуруридир.

Рисолада ингичка толали гўзани ҳозиргача ноқулай ҳисобланиб келинаётган майдонларда экиб, юқори ҳосил олиш тажрибалари баён этилган. Шунга кўра у барча пахтакорларга, хўжалик раҳбарларига мўликалланган.

Р 51 Ризаев Р., Муслимов С.

Ингичка толали гўза навларини суғориш.— Т.: «Ўзбекистон», 1980. 15 б., жадвал.— (Фан ҳақида суҳбатлар).

Ризаев Р., Муслимов С. Орошения тонковолокнистых сортов хлопчатника.

42.16

№ 854—80
Навой номли ЎзССР
давлат кутубхонаси.

Р $\frac{40000}{М 351 [04]}$ $\frac{9}{81} 81$